

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудири, проф.
Зайналов Ж.Р.
2013 йил «27» май**

**“Молия” таълим йўналиши
МК-109 гуруҳ талабаси Холов Камолнинг**

**«Пул–кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини
такомиллаштириш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини
таъминлаш йўллари (“Agro-bravo” МЧЖ маълумотлари бўйича)»
мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: асс. Давронов А.

**Илмий маслаҳатчи: проф. Ибрагимов Н.А. –
“Novopharma plus” МЧЖ ҚК Бош директори**

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I Боб. Давлат томонидан пул-кредитни тартибга солишнинг асослари	
1.1. Пул-кредит инструментларини тартибга солишнинг назарий асослари.....	9
1.2. Пул-кредит сиёсатини тартибга солиш инструментлари туркуми.....	12
1.3. Пул-кредит инструментларини амалга ошириш механизмлари.....	16
II Боб. Пул-кредит инструментлари орқали корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этиш ҳолати ва таҳлили	
2.1. Пул-кредит инструментларини тартибга солиш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари.....	20
2.2. Пул-кредит инструментларини корхоналар молиявий барқарорлигига таъсири таҳлили.....	24
2.3. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмлари.....	29
III Боб. Пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари	
3.1. Пул-кредит инструментларидан самарали фойдаланиш самарадорлиги.....	32
3.2. Корхоналар молиявий барқарорлигини пул-кредит воситалари ёрдамида тартибга солишни таъминлаш йўллари.....	38
3.3. Тижорат банкларининг корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш йўллари.....	42
IV БОБ. «Агро-Браво» МЧЖда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	49
4.2. «Агро-Браво» МЧЖ ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	51
4.3. «Агро-Браво» МЧЖда ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	54
4.4. «Агро-Браво» МЧЖда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукамаллаштириш йўллари.....	59
Хулоса.....	63
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

Кириш

Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизимларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги танланган ушбу битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилайди. Бу борадаги долзарб муаммолар сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Республикамизда пул-кредит инструментларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги.

2. Пул массасининг ўсиш суръатларини нисбатан юқори ва беқарорлиги.

2010 йилда муомаладаги пул массасининг ўсиш суръати 34,9 фоизни ташкил этгани ҳолда, 2007 йилда 46,1 фоизга тенг бўлди. Таҳлилларимиз кўрсатишича, тараққий этган мамлакатларда, жумладан, еврозонада 2010 йилда пул массасининг йиллик ўсиш суръати 1,0 фоизни ва Японияда эса, 2,8 фоизни ташкил этди¹.

3. Нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасининг мавжудлиги, пуллик чекларнинг мавжуд эмаслиги, нақд ва нақдсиз пулларнинг қийматида фарқнинг мавжудлиги.

4. Пул-кредит инструментларини корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги камчиликларнинг мавжудлиги.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўз маърузаларида: «Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги

¹ www.ecb.eu, www.boj.or.2010. сайти маълумотлари

ишларни давом эттириши лозим. 2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг ушбу секторига ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробар кўпайтириш даркор»² деб таъкидлаган эдилар. Бу эса, пул-кредит инструментларидан янада оқилона фойдаланиш заруриятини юзага келтиради.

Шу нуктаи-назардан, Ўзбекистон Республикасида пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмидаги муаммоларни ҳал этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади ва ушбу тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пул пул-кредит инструментларидан фойдаланишни ривожлантириш, унинг элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.Ван-Хуз, Д.Макнотон, О.Лаврушин, Р.Миллер С.Моисеев, У.Хесус, Э.Доланлар³нинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Масалан, О.Лаврушин пулнинг моҳияти ва функцияларини ҳам пул тизимининг элементи, деб ҳисоблайди. Г.Белоглазова эса, пул тизимининг элементларига пул бирлиги, баҳо масштаби, пул айланмаси, пул массаси ва эмиссия механизмини киритади⁴.

Пул-кредит тизимини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Б.Душаев,

² Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 41.

³ Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – 620 с.; Финансы и кредит. Учебник. Под ред. Белоглазовой Г.Н. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 575 с.; Миллер Л.Р., Ван-Хуз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. Пер. с англ. – Москва: Инфра-М, 2000. – 856 с.; Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, Д.С.: ИЭР МБРР, 1994. – 323 с.; Деньги, кредит, банки. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2009. – 560 с.; Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика. – М.: Экономистъ, 2008. – 652 с.; Уэрто де Сото Хесус. Деньги, банковский кредит и экономические циклы. – Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 663 с.; Долан Э. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – М.: Ленинград. 1991. – 446 с.

⁴ Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: Высшее образование, 2008. – С. 113-128.

Н.Жумаев, О.Намозов, Р.Шомуродов, Т.Бобакулов, Ш.Абдуллаеваларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁵.

Шунингдек, пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш масаласи мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан мустақил илмий иш объекти сифатида яхлит тадқиқ қилинмаганлиги, долзарблиги ушбу мавзунинг танланишига асос бўлди.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистон Республикасида пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга орқали молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

– пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмининг назарий асосларини тадқиқ қилиш ва тегишли илмий-назарий хулосаларни шакллантириш;

– хорижий давлатларнинг пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш борасидаги илғор тажрибаларидан

⁵ Вахабов А.В., Бобакулов Т.И. Национальная денежная единица – сум Республики Узбекистан // Central Eurasia: national currencies. Monograph. – Stockholm, 2008. – P. 312-325.; Вахабов А.В. Инқироз шароитида банк тизими барқарорлигини таъминлаш // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. – Т., 2009. - № 4 – Б. 24; Душаев Б.М. Монетарная политика. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2003. – 120 с.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008. – 32 б.; Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Т., 2001. – 39 с.; Шомуродов Р.Т. Банк тизимида монетар воситаларни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Т., 2004. – 19 б.; Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008. – 33 б.; Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2007. – 348 б.

Ўзбекистон амалиётида ижодий фойдаланиш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

–Ўзбекистон Республикаси пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва унга хос бўлган тенденцияларни аниқлаш;

– мамлакат пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлаш;

– республика пул-кредит инструментлари ва корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси пул-кредит инструментлари ва корхоналарни молиявий барқарорлаштириш асослари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – мамлакатимизда пул-кредит инструментларидан корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашда фойдаланишда юзага келадиган молиявий муносабатлар.

Тадқиқот методлари: ишда эксперт баҳолаш, гуруҳлаш, омилли ва иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

– иқтисодий адабиётдаги назарий қарашларни ўрганиш орқали пул-кредит инструментларидан корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари аниқлик киритилди;

– инфляция даражасини, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини пасайтиришда тижорат банклари кредитлари номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўли билан корхоналарни молиявий барқарорлигини босқичма-босқич ошириб боришнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди;

–пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш ва пул бозорини ривожлантириш орқали муомаладаги пул

массасининг ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлаш йўллари ёритилди;

- миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш орқали корхоналарни молиявий барқарорлиги ижобий таъсир этиш йўллари асосланиб берилди;

- мамлакатимиз тўлов амалиётига фақат “on-line” режимида ишлайдиган пластик карточкаларни жорий этиш, республикамизда ишлаб чиқариладиган пластик карточкаларни (камида йилига 500 минг дона) тўлиқ “on-line” режимида бўлишини таъминлаш, пуллик чеклар муомаласини жорий этиш ва улар орқали амалга ошириладиган тўловларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш ва уларни эмитентнинг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, нақд пулларда ўз вақтида тўланишини таъминлаш йўллари таклиф қилинди.

Илмий янгилиги:

- пул-кредит инструментларига муаллифлик ёндошуви ва унинг элементларига аниқлик киритилди;

- республикамизда корхоналарни молиявий барқарорлик даражасини босқичма-босқич ошириб бориш йўллари ёритилди;

- муомаладаги пул массасининг ўсиш суръатлари корхона барқарорлигини таъминлаш таклифи асосланди;

- нақд пул муомаласини тартибга солиш амалиётидаги камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш йўллари таклиф қилинди;

- пуллик чеклар ва пластик карточкаларга асосланган тўловлар ҳажмини ошириш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари киритилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, улардан келгусида мамлакат пул-кредит инструментларини корхоналар молиявий барқарорлик даражасини оширишга бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти эса, ишлаб

чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни республика пул-кредит инструментларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда қўллашнинг мумкинлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар “Агро-Браво” МЧЖ томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган (2013 йил 18 июндаги 6-11/04-сонли далолатнома).

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Иш таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш ҳажми 69 бетдан иборат бўлиб, 7 та жадвал ва 3 та диаграммани ўз ичига олган.

I Боб. Давлат томонидан пул-кредитни тартибга солишнинг асослари

1.1. Пул-кредит инструментларини тартибга солишнинг назарий асослари

Бозор иқтисодиётида пул муомаласини тартибга солиш миллий хўжаликнинг ўз вазифасини самарали бажаришини таъминлашда катта аҳамиятга эгадир. Пул-кредит сиёсати давлат молиявий тартибга солишнинг ғоят муҳим усулларида бири бўлиб, у пировардида жамиятда макроиқтисодий барқарорликка эришишга қаратилгандир. Ўз навбатида, макроиқтисодий барқарорлик анча кенг қамровли тушунча бўлиб, одатда ўзини макроиқтисодий кўрсаткичларда намоён қилади. Нархлар умумий даражаси ошишнинг паст суръатлари, халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўлиқ бандлигини таъминлаб туриш, тўлов баланси ижобий ҳолати ҳамда миллий валюта барқарор, қадри юқори бўлиши кабилар энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар саналади. Бир-бирига боглиқ иқтисодий кўрсаткичларнинг бу гуруҳини макроиқтисодий тартибга солишнинг сеҳрли квадрати деб атайдилар.

Бу йўналишнинг ҳаммаси бўйича Ўзбекистонда маълум даражада ютуқларга эришилган. 1995 йилнинг I чорагида инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 13,8 фоизни ташкил этган бўлса, 1996 йилнинг I чорагида 3,4 фоиз бўлди, яъни бир йил ичида 4 барабар камайди. 1994-1995 йилларда республикада қатъий молиявий сиёсатни амалга ошириш натижасида макроиқтисодий барқарорлаштириш асослари яратилди, ишлаб чиқаришнинг кўпгана асосий йўналишлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда катта ўсишга эришилди. Ўзбекистон халқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг барқарорлашуви ва бир қадар ўсиши меҳнатга лаёқатли аҳолининг янада кўпроқ иш билан банд бўлиши учун шарт-шароит яратади. Мамлакатимиз ташқи савдо оборотининг ижобий сальдоси, экспортга мўлжалланган

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши тўлов баланси ҳолатининг қониқарли бўлиниши таъминлашга имкон бермоқда.

Умуман олганда, давлат иқтисодий сиёсати турли йўналишларининг бир бири билан қўшилиб, ўзига хос тенг таъсирли кучни ҳосил қилиши қўйилган мақсадларга эришишга замин яратмоқда.

Банк тизимининг тараққий этиши ва ишончли суръатда барқарор ўз вазифасини бажаришининг асоси иқтисодиётни пул-кредит воситасида тартибга солишнинг мосланувчан механизмини шакллантиришдан иборат бўлиб, у Марказий банкка хўжалик фаоллигига самарали таъсир кўрсатиш, муассасалар фаолиятини назорат қилиш, пул муомаласи барқарорлигига эришиш имконини беради.

Марказий банк томонидан пул-кредит тартибга солишнинг асосий объекти иқтисодиётдаги нақд ва нақд бўлмаган жами пул массасидан иборат бўлиб, жами тўловга қобил талабнинг турли таркибий қисмлари (истеъмол ва инвестициялар)нинг ўзгариши уни динамикасига богликдир.

Марказий банк хўжаликдаги таклиф ва ҳрлатларнинг таркибига асосланиб ва "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг қоидаларига мувофиқ ўз фаолиятининг мақсадлари, устувор йўналшдларини танлайди, пул-кредит сиёсатининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади, улар қўйилган масалаларга эришишнинг муайян усуллари, дастаклари ҳамда воситаларини танлашда аниқлашади.

Марказий банк пул-кредит сиёсатини амалга огдириш жараёнида кредитлар ва пул массаси миқдорларининг зарур даражада кенгайишини таъминлашга ҳаракат қилади. Бу эса ички нархлар барқарорлигага риоя қилган ҳолда ўсиб бораётган иқтисодиётнинг узоқ муддатли эҳтиёжларига мосдир. Бирмунча қисқа муддатлар учун пул-кредит сиёсати, одатда, номатлуб инфляция ва дефляция жараёнларига қарши туриш мақсадида амалга оширилиши керак.

Пул-кредит тартибга солишнинг муҳим мақсади, шунингдек, нархлар барқарорлаш ҳисобланади. Пул-кредит сиёсати нархлар барқарорлигини

таъминлаб, иқтисодий ўсишга ёрдам берадиган шароитларни яратади. Пул-кредит сиёсатини фаол амалга ошириш учун пул-кредит муассасаларининг раҳбарлари мақсадларни ва ушбу мақсадларга эришиш йўллариини белгилаб олишлари зарур.

Ўз навбатида кейинги мақсадларни аниқ ифодалаш учун пул-кредит соҳасида вужудга келган амалдаги вазиятни объектив баҳолаш ҳамда ушбу вазиятда илгари режалаштирилган мақсадларнинг акс этиш табиатини таҳлил қилиш зарур.

Бинобарин, пул-кредит сиёсатини ипшаб чиқадиган ва амалга оширадиган органлар бозорда юз бераётган ходисаларни мутассил кузатиб бориш ҳамда назорат қилиши керак. Бундан ташқари у самарали воситаларга ҳам эга бўлиш керак. Бу воситалар ёрдамида мавжуд аҳволга керакли йўналишда таъсир кўрсатишимконияти тугилади.

Пул муомаласи соҳасидаги аҳволга таъсир кўрсатишнинг санаб ўтилган барча воситалари пул-кредит сиёсатининг моҳиятини ифодалайди.

Пул массасигинг ҳаддан ташқари кўпайиши мамлакатда ишлаб чиқарилган ёки четдан келтирилган товарларга қилинадиган харажатларнинг юқори суръатлар билан ўсишига, яъни нарх-навонинг кўтарилишига олиб келади. Агар қисқа муддат ичида мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларни таклиф қилиш мосланувчанмаслиги билан тубдан фарқ қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, иқтисодиётда юксак ўсиш суръатлари туфайли анча-мунча инфляция тазйиқи вужудга келади. Мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг чекланган миқдорда таклиф қилиниши туфайли пул маблағларининг талайгина қисмини четда ишлаб чиқарилган товарларга йўналтирилиши оқибатида тўлов балансида танг ҳолат юз беради.

Иқтисодиётга тизимли тузатишлар киритиш бўйича тадбирларни амалга оширадиган мамлакатлар одатда инфляциянинг юқори даражаси, сустр иқтисодий ўсиш ва ташқи баланснинг нотенглиги билан ажралиб туради. Ушбу муаммолар кўпинча пул агрегатлари ҳаракатининг номатлуб жараёнлари оқибатида келиб чиқади.

Пул-кредит сиёсатининг мақсади мамлакат ичида ликвидликнинг ўсиш хукуматнинг иқтисодий ўсиш, инфляция ва тўлов балансига доир мақсадларига мос келиши керак. Ана шу жихатдан олганда пул агрегатларини назорат қилиш чоралари иқтисодиётга тузатиш киритиш тадбирлари дастурида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш стратегияси нуқтаи назаридан қараганда, пул-кредит сиёсати ортиқча харажатларнинг оддини олгани керак. Бироқ, анча кенг маънода олганда, молия сиёсати иқтисодиётда ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини белгалаб беради, молиявий маблағларни сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш жараёнларига бевосита ва билвосита таъсир дсўрсатади.

Бозор иқтисодиёти ҳукм сураётган мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибаси муомалада амалий фаолиятнинг маълум ҳажми учун зарур бўлган, тўла иш билан бандликка, нархлар даражасишнинг барқарорлигига ва иқтисодий ўсишнинг соғлом суръатларига ёрдам берадиган миқдорда пул бўлишини таъминлашга ҳаракат қилган ҳолда пул таклиф қилишни бошқариш зарурлигани кўрсатмоқда.

1.2. Пул-кредит сиёсатини тартибга солиш инструментлари туркуми

Пул-кредит сиёсати иқтисодий пасайиш даврида харажатларни рағбатлантириш учун пул таклиф қилишнинг кўпайишига, инфляция даврида эса, аксинча, харажатларни чеклаш учун пул таклиф қилишнинг чекланишига олиб келиши зарур.

Конъюнктура жонланган, иш билан бандлик ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсган шароитда пулга талаб ошиши муносабати билан Марказий банк "арзон пуллар" сиёсатини ёки пул-кредит сиёсатида экспансияш қўллайди. Бунда одатда, кредитлаш кўлами кенгаяди, муомаладаги пуллар миқдорининг ўсиши устидан назорат сусаяди, солиқ ставкалари қисқаради, фоиз ставкалари даражаси пасаяди.

Пул таклиф қилишшгнг кўпайиши учун Марказий банк тижорат банкларидага ортиқча захираларнинг ўсиши ҳақида қайгуриши керак. Бундай ҳолда қандай аниқ чора-тадбирлар кўрилмоғи керак

Биринчидан, очик бозорда қимматли қоғозларни сотиб олиш операцияларини кенгайтириш зарур; иккинчидан, захиралашномармасини пасайтиришкеракки, бухол ўз-ўзидан зарур захираларни ортиқча захиралар ҳолатига ўтказди ва пул мультипликаторининг миқдорини кўпайтиради ва, учинчидан, тижорат банкларини Марказий банкдан қарз олиш воситасида ўз захираларини кўпайтиришга ундаш учун хисоб ставкасини камайтириш муҳимдир. Марказий банк томонидан қўлланиладиган бундай сиёсий қарорлар туркуми арзон пуллар сиёсати деб аталади. Бу сиёсатни амалга оширишдан мақсад жами харажатлар ҳажмини ва иш билан бандликни кўпайтириш учун кредитни арзон ва осон олиш мумкин бўладиган қилиб қўйишдан иборатдир.

Аксинча, инфляция ҳамда иктисодиётдаги номутаносибликлар кучайиб борган, чайқовчилик кенгайган бир шароитда Марказий банк пул массасини чегаралаш ёрдамида конъюнктура "қизиб кетиши"нинг олдини олишга ҳаракат қилади. Бунда Марказий банк қуйидаги чора-тадбирларни кўради:

✓ Тижорат банкларининг захираларини қирқиш йўли билан пул массасини қисқартириш учун очик бозорда тижорат банклари ва аҳолига давлат қимматли қоғозларини сохиш бўйича операциялар кенгайтирилади;

✓ Тижорат банкларини ортиқча захиралардан ўз-ўзидан озод қилиш ҳамда пул мультипликаторини камайтириш мақсадида захиралаш меъёри оширилади;

✓ Тижорат банкларининг Марказий банкдан қарз олиш воситасида ўз захираларини кўпайтиришга бўлган қизиқишини камайтириш мақсадида хисоб ставкалари кўтарилади.

Марказий банк томонидан кўриладиган бу чора-тадбирлар жами "қиммат пуллар" сиёсати ёки пул-кредит сиёсатининг рестрикцион тури деб аталади, у тижорат банклари амалга оширадиган кредит операциялари

шартларини қийинлаштиришга ва ҳажмларини чеклашга қаратилган. Уни амалга ошириш солиқпарнинг оширилиши, давлат харажатларининг қисқартирилиши, шунингдек инфляцияни жиловлашга, бир қанча ҳолларда эса тўлов балансини соғломлаштиришга қаратилган бошқа тадбирларни ўз ичга олади, кўзда тутди. Пул-кредит сиёсатининг рестрикцион туридан инфляцияга қарши кураш мақсадларида фойдаланишга қаратилган бўлиши ва у амалий фаолликнинг даврий ўзгаришларини бараварлаштиришга қаратилиши мумкин.

Ўзбекистонда 1994-1995 йилларда ана шундай рестрикцион пул-кредит сиёсатининг амалга оширилиши айниқса 1995 йилда жами истеъмол харажатлари реал ҳажмини қисқартиришга таъсир кўрсатди. Жами инвестиция харажатлари эса, аксинча, иқтисодиётда пул захираларини бошқариш кучайтирилишига қарамай, яна айниқса 1995 йилда, реал ҳисобда кўпайди. Бундай жараён истеъмол ва инвестиция жабҳалари тараққиётидаги халқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш миллий моделининг ўзига хос жиҳатини кўрсатувчи муҳим фарқлардан ҳисобланади.

Рестрикцион пул-кредит сиёсати билан бир қаторда жорий истеъмол харажатларини маълум даражада табақалашга, қаратилган фискал сиёсатни ҳам амалга ошириш иқтисодиётда жами жамғармалар реал ҳажмининг кўпайишига сабаб бўлди, унинг микдори 1990 йилги даражадан деярли 60 фоиз кўпайди. Гарчи, миллий пул бирлигига ўтилиши муносабати билан иқтисодиёт реал жами жамғармалар ва инвестицияларнинг сезиларли даражада пасайишини бошидан кечирган бўлсада, айти вақтда можтавий ресурсларни сафарбар этиш ва аниқ мақсадларга тақсимлашга қаратилган давлат иқтисодий сиёсати уларнинг барқарорлашувини ва ўсишини таъминлаб берди.

Кўриб турганимиздек, ҳўжалик конъюнктурасининг ҳолатига боглиқ тарзда пул-кредит сиёсатининг иккита асосий тури ажралиб чиқмоқдаки, уларнинг ҳар бирига ўз воситалари (таъсир кўрсатиш омиллари) тўплаш ва

бошқаришнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари муайян даражада қўшиб олиб бориш хосдир.

Рестрикцион, шунингдек экспансион турдаги пул-кредит сиёсати яъни ёки селектив тусда бўлиши мумкин. Яъни пул-кредит сиёсатида Марказий банкнинг тадбирлари банк тизимининг барча муассасаларини қамраб олади, селектив пул-кредит сиёсатда эса - муайян кредит муассасаларини ёки уларнинг гуруҳларини, ё бўлмаса банк фаолиятининг муайян турларини қамраб олади. Селектив пул-кредит сиёсати Марказий банкка маълум йўналишга танлаб таъсир кўрсатиш имконини беради. Бу сиёсат амалга оширилганида қуйидаги воситалар тўпламидан ёки уларнинг хилма-хил уйғунлашувидан фойдаланилади: ҳисоб ва қайта ҳисоб операциялари лимитларини (масалан, тармоқлар, минтақалар ва ҳоказо бўйича) жорий қилиш, банк операцияларининг (улар гуруҳларининг) айрим турларини лимитлаш; турли молиявий-кредит операцияларини амалга оширганда маржанинг энг юқори даражасини белгилаш; қарз олувчиларнинг ҳар хил тоифаларига айрим турдаги қарзларни бериш шартларини чегаралаб қўйиш кредитнинг энг кўп миқдорини белгилаш ва ҳоказо. Ўзбекистонда 1994-1996 йилларда умумий турдаги воситалардан ҳам (масалан, тижорат банклари мажбуриятлари бўйича 30 фоиз захира талаблари), шунингдек селектив турдаги воситалардан ҳам (масалан, кредитлар бўйича қайта молиялаш воситасининг энг юқори 50 фоизлик маржасини белгилаш) фойдаланилди.

Марказий банк ўтказиладиган пул-кредит тартибга солишни амалга оширишнинг турини, шунга мувофиқ эса тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш воситалари туркумини танлаб олар экан, ҳар бир алоҳида ҳолда ҳўжалик конъюнктурасининг ҳолатини ҳисобга олади. Ана шундай танлаб олиш асосида ишлаб чиқилган пул-кредит сиёсатининг асосий йўналишлари албатта қонун чиқарувчи орган томонидан тасдиқланади. Пул-кредит сиёсатининг ҳар хил турларини, шунингдек банк операцияларини тартибга солишнинг айрим воситаларини қўллашнинг самарадорлиги пул муомаласининг нобарқарорлигига умумий иқтисодий ёки сиёсий омиллар

эмас, балки "соф" монетар омиллар қанчалик сабаб бўлганлиги билан белгиланади.

1.3. Пул-кредит инструментларини амалга ошириш механизмлари

Кўпинча, пул-кредит тадбирларини амалга ошириш механизмини узатувчи ёки трансмиссион пул-кредит механизми деб аташади. Бундай механизм пул-кредит сиёсатининг воситаларини сабаб-оқибат алоқалари занжири ёрдамида оралиқ мақсадлар ва, охир оқибатда, пировард макроиқтисодий мақсадлар билан боғлайди. Шундай қилиб, трансмиссион механизмни расман кетма-кет ва мантиқан боғланган конкрет иқтисодий кўрсаткичлар қатори деб тасаввур қилиш мумкин. Пулни тартибга солишнинг муайян воситаси таъсирида узатиш занжири бўйлаб то охиригача бўлингача сигналлар берилишига эришиш мумкин. Албатта, бундай технологик жўнлаштириш жамиятдаги иқтисодий жараёнларнинг мураккаб механизмини акс эттира олмайди. Шунга қарамай, бундай моделлаш пул-кредит ёрдамида тартибга солиш механизмини тушунишни енгиллаштиради.

Ҳар йил бошида, инфляция юқори бўлган шароитда эса анча қисқа муддатларда ҳам, ҳукумат ва Марказий банк келажак давр учун иқтисодий ва пул-кредит сиёсатининг пировард мақсадларини таърифлаб беради. Булар орасида энг муҳимлари, биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, иқтисодий ўсишнинг реал суръати, инфляциянинг мақбул суръати ва тўлов балансининг қониқарли ҳолатидир.

Марказий банк қўйилган макроиқтисодий мақсадларга тўғридан-тўғри эриша олмайди, чунки унинг вазифалари директив тусда эмас. Марказий банк иқтисодиётни пул-кредит сиёсати усул ва дастаклари орқали билвосита тартибга солиб туради. Бунда усул ва дастаклар билан пиротрд макроиқтисодий мақсадлар оралигидаги мақсадларни танлаш зарурати тугилади. Иқтисодчиларнинг фикрича, оралиқ мақсадларга эришиш пировард мақсадга эришишни ҳам таъминлаб беради. Шундай қилиб, унга эришишни

енгаллаштириш учун пировард мақсадларга олиб борадиган оралик мақсадлар белпианади.

Оралик мақсадларни танлаш вақтида Марказий банк одатда унинг асосий индикаторига нисбатан қуйидаги муҳим галабларга асосланади:

- 1) оралик мақсад осон ўлчанадиган бўлиш керак;
- 2) уни Марказий банк назорат қила оладиган бўлиши керак;
- 3) пировард мақсад билан яқин алоқада бўлиши керак.

Фоиз ставкалари, кредит агрегатларига қараганда пул массаси ҳажми бундай талабларга кўпроқ жавоб беради, шунинг учун ҳам айти пул массаси кўпчилик ҳолларда ана шундай оралик мақсад қилиб олинади.

Шундай қилиб, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширишдаги асосий вазифаси - ҳўжалик конъюнктурасининг ҳозирги ҳолатига ва иктисодий тараққиёт истиқболларига қараб, пул массаси ўсишининг мақсад йўналишларига риоя қилишдан (таргетлаш) иборатдир. Пул массаси ўсишининг мақсадли йўналиши назорат муддатига, масалан, бир йил олдин белгиланиб, йил чораклари ва ойлар бўйича тахминан тақсимланади, лекин унга шу давр мобайнида тузатишлар киритиб борилиши мумкин.

Пул массасининг керакли миқдорини аниқлаш учун аҳоли ва корхоналарнинг ликвид пул маблаюгарига бўлган талабини таҳлил қилиб чиқиш зарур бўлади. Маълумки пулга бўлган талаб кундалик харидларни ва битимларни амалга ошириш, шунингдек пулдан қийматни сақлаш воситаси сифатида фойдаланиш учун ўз ихтиёрида етарли миқдорда ликвид пуллар бўлиши заруратидан келиб чиқади. Ҳар иккала мақсадга эришиш учун пулнинг реал харид кучи барқарор бўлишига эришиш учун муҳим рол ўйнайди.

Пулга бўлган талабнинг таркибий қисмларини ҳисоблаб чиқиш, одатда айирбошлашнинг миқдор тенгламасига $MV = FT$ асосланади. Амалиётда пулга бўлган талабни баҳолаш пул массаси ўсишининг мақсад йўналишини аниқлаш ва қарор топтиришда ўз ифодасини топади. Марказий банк қуйидаги

асосий кўрсаткичларга амал қилади: базавий даврнинг нархларида ялпи миллий маҳсулотнинг тахмин қилинаётган ўсиши; режалаштирилаётган даврда пул муомаласининг тахминий тезлиги; тахмин қилинаётган даврда нархлар ўсишининг йўл қўйилиши мумкин бўлган энг юқори даражаси.

Иқтисодий фаолликнинг юқори даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажми орқали тахминан ифодаланиши мумкин. Потенциал ялпи ички маҳсулот умумий ишлаб чиқариш имкониятига бериладиган баҳони акс эттириши керак. Марказий банк мутахассислари ушбу кўрсаткични ҳисоблаб чиқиш чошда Кобба-Дуглас шаклидаги ишлаб чиқариш функцияларидан, узок муддатга доир маълумотлар асосида регрессион моделлардан фойдачанади. Келгуси йилда кутилаётган нархлар ўсишини Марказий банк нархлар динамикасининг аввалги ҳолати (тренди)ни ҳисобга олган ҳолда меъёр сифатида қабул қиладилар. Муомала тезлиги ҳам ушбу кўрсаткичнинг аввалги ҳолати асосида статистика усуллари кўллаш ёрдамида белгиланади.

Пулга бўлган талабни эмпирик баҳолаш олдинги даврларда мавжуд бўлган пул билан ялпи ички маҳсулот, инфляция, фоиз ставкалари ва бошқа омиллар ўртасидаги нисбатлар статистикасига асосланиши мумкин. Бунда, одатда улар ўртасидаги алоқанинг мустақамлигини баҳолаш имконини берадиган корреляцион-регрессион моделлардан фойдаланилади. Янада кўпроқ алмаштирилган баҳолаш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлиб, бунда пулга бўлган талабни баҳолаш пул муомаласининг вужудга келган тезлиги шароитида пулларнинг номинал ялпи ички маҳсулотга нисбатининг тахмин этилган ўзгариши асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, тўлов баланси, иқтисодий ўсиш ва инфляция нуқтаи назаридан белгиланган мақсадлар билан пул кредит сиёсатининг воситалари ўртасидаги алоқани белгилаш учун қуйидаги асосий чора-тадбирлар кўрилиши шарт:

✓ Пулга бўлган талабнинг асосли, иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг кугалаётган даражаларига нисбатан, шунингдек пул муомаласи тезлиги

тахминий кўрсаткичига нисбатан белгиланган мақсадларга мос бўлган истиқболини ишлаб чиқиш;

✓ Пул кредит сиёсатининг ички кредит ва пул массаси кўрсаткичлари ҳажмларининг талаб қилинаётган даражаларига эришилиппши таъминлайдиган воситаларни танлаш.

II Боб. Пул-кредит инструментлари орқали корхоналар молиявий барқарорлигига таъсир этиш ҳолати ва таҳлили

2.1. Пул-кредит инструментларини тартибга солиш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш омиллари

Пул-кредит инструментларини иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги ролидан келиб чиқиб биз асосий диққатни пул тизими элементларига қаратишни биринчи даражали масала деб ҳисоблаймиз.

Иқтисодий адабиётда пул-кредит инструментлари ва улардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан чуқур тадқиқ қилинган. Аммо, пул тизими элементларидан фойдаланиш механизми ва уни такомиллаштириш масаласида бир-биридан кескин фарқланувчи ва аксарият ҳолларда бир-бирини инкор қилувчи мунозарали ҳолатлар, хулосалар кўп учрайди. Масалан, О.Лаврушин илмий таҳрири остида нашр этилган дарсликда пул тизими элементларига қуйидагилар киритилган: пулнинг моҳияти ва функциялари; пулнинг шакли ва турлари; пул бирлиги; пул массаси ва унинг таркиби; пул айланмаси, унинг таркиби ва ташкил этиш; пул тизимини ташкил қилиш принциплари; пул тизимини бошқариш принциплари; эмиссия механизми; валюта курси; касса интизоми; нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби; пул тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базаси; ахборот-таҳлилий элемент; технологик элемент; институционал элемент⁶.

Г.Белоглазованинг фикрига кўра, пул тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади: пул бирлиги; баҳо масштаби; пул айланмаси; пул массаси; эмиссия механизми⁷. Кўриниб турибдики, бунда асосий диққат пулнинг элементларига қаратилган. Бунда кредит инструментлари пул элементлари билан бир чизиқда кесишсада, ушбу ҳолат четлаб ўтилган.

⁶ Деньги, кредит, банки. Под ред. Проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2009. – С. 95-101.

⁷ Белоглазова Г.Н. Деньги, кредит, банки. Учебник. – М.: ДЗ4 Высшее образование, 2008. – С. 113-128.

Шундай қилиб, иқтисодий адабиётда пул тизими элементлари хусусида бир-бирдан кескин фарқланувчи фикрлар, хулосалар мавжуд. Г.Белоглазова пул тизимини ташкил қилувчи ва тартибга солувчи органларни элемент сифатида эътироф этмайди. Бу эса, фикримизча, тўғри эмас. Чунки, пул тизимини ташкил қилиш, бошқариш ва тартибга солиш уни мустақкамлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

У.С.Хесус фикрига кўра, соф олтин стандарти ва талаб қилиб олинадиган депозитларга нисбатан 100% даражасидаги мажбурий захира талабномасини бир вақтнинг ўзида жорий этиш пул тизимини сифат жиҳатдан янги ривожланиш босқичига олиб чиқади.

Фикримизча, У.С.Хесус таклифи ҳозирги давр учун ҳеч қандай амалий аҳамият касб этмайди. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, соф олтин стандартига қайтишга уринишлар ҳеч бир мамлакатда натижа бермади.

АҚШда Р.Рейган Президент сифатида ҳокимият тепасига келгандан сўнг, уни таклифи билан олтин стандартига қайтиш масаласини ўрганиш мақсадида Комиссия тузилди. Комиссия ушбу масалани ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ қилиш натижасида олтин стандартига қайтиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келди. Иккинчидан, банкларнинг депозитларига нисбатан 100% даражасида мажбурий захира талабномасини жорий қилиш тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажми кескин қисқаришига олиб келади ва бу иқтисодий ўсиш суръати пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Ушбу талабнома банк тизимининг кредитлаш даражаси паст бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикасида, 2010 йилда тижорат банклари кредитларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи 18,7 фоизни ташкил этди⁸. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич, 2010 йилда тараққий этган мамлакатларда ўртача 75-80 фоизни ташкил этмоқда⁹.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

⁹ IMF «International Financial Statistics» маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Иқтисодий адабиётдаги пул тизими ва унинг элементларига оид илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий ўрганилиши натижасида пул тизимининг моҳиятини тўлароқ очиқ беришга хизмат қилувчи қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: «Пул тизими деганда, алоҳида олинган мамлакатда ёки ҳудудда пул айланмасини ташкил қилишнинг давлат-ҳуқуқий шакли тушунилади». Ушбу ҳолатда алоҳида олинган ҳудуд деганда, еврозона каби яхлит ҳудудларда пул айланмасини ташкил қилиш тушунилмоқда.

Иқтисодчи олимлар пул тизими пул муомаласи ташкил этилишининг давлат-ҳуқуқий шакли эканлигини эътироф этмайдилар. Ҳолбуки, фикримизча, пул муомаласини давлат ташкил этади ва қабул қилинган қоидалар ҳуқуқий кучга эга бўлиб, пул айланмасида иштирок этувчи барча субъектлар учун директив мазмунга эга.

1-жадвал

**Айрим олинган давлатларда монетизация коэффиценти даражаси¹⁰,
фоизда**

Давлатлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
АҚШ	80,0	89,7	86,1	90,1	60,4	60,1	-	-
Япония	101,6	142,1	140,1	139,1	159,1	162,4	-	-
Буюк Британия	101,2	96,2	98,8	104,7	142,5	149,5	-	-
Россия	27,1	33,4	36,7	31,7	40,5	45,3	-	-
Ўзбекистон	14,3	14,9	17,3	18,8	20,0	21,0	22,0	23,0

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, республикамызда монетизация коэффиценти нафақат тараққий этган

¹⁰ IMF «International Financial Statistics» маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.


мамлакатлар, балки, Россия Федерацияси монетизация коэффициентидан ҳам сезиларли даражада паст. Бу эса, барқарор макроиктисодий ўсиш суръатларига, пул айланмасини ташкил этиш ва тартибга солиш амалиётига салбий таъсир кўрсатади.

Фикримизча, пул тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- пул бирлиги;
- пул айланмаси таркиби;
- пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш;
- пул массаси ва таркиби;
- миллий валюта паритети ва курси;
- пул тизимини ташкил қилиш принциплари.

1-диаграмма

Ўзбекистон Республикасида инфляциянинг йиллик даражаси, Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ва тижорат банкларининг сўмдаги депозитлари бўйича мажбурий захира ставкалари¹¹, фоизда



¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

1-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2005-2012 йилларда инфляциянинг йиллик даражасини барқарорлаштиришга эришилган. Аммо, мазкур давр мобайнида Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари юқори даражада сақлаб қолинган. Масалан, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига, Россияда Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси 2,5 фоизни, еврозона мамлакатларида эса, 2,0 фоизни ташкил этди¹².

Пул тизими муҳим элементларидан бири бўлиб, пул массаси ҳисобланади. Пул массаси барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш – пул тизимининг макроиқтисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Шу сабабли, монетизация коэффициенти даражаси ва динамикасига баҳо бериш пул тизими ва элементларидан фойдаланиш механизмининг таҳлил қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Пул-кредит инструментларининг корхоналар молиявий барқарорлигига таъсири таҳлили

Ривожланаётган мамлакатларда инфляциявий жараёнларнинг таҳлили яна шуни кўрсатадики, инфляциявий кутилмалар юқори бўлган мамлакатларда, озиқ-овқат инфляцияси умумий инфляция даражасига нисбатан юқоридир. Инфляциявий кутилма, одатда, мамлакатда олиб борилаётган инфляцияга қарши сиёсатга қай даражада ишонишлишига боғлиқдир.

Бундан ташқари, жаҳонда корхона маҳсулотлари нархлари ўсишининг алоҳида мамлакатдаги ички инфляция даражасига таъсири турлича бўлади. Кўрсатилган омилнинг таъсир даражаси ҳар бир мамлакатдаги озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотлари истеъмоли давлат томонидан қай даражада

¹² “www.cbr.ru” ва “www.ecb.eu” сайтларининг маълумотлари.

субсидияланганлиги, мазкур маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражаси, об-хаво шароити ҳамда ушбу маҳсулотлар экспорт-импортига қўйилган чекловларга (айрим стратегик аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи экспортининг вақтинча ёки бутунлай тақиқланганлиги, квоталар, экспорт-импорт тарифлари каби) боғлиқ бўлади.

Жаҳон бозорида корхона маҳсулотлари нархлари ўзгаришининг ички бозордаги нархларга таъсирини пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида тартибга солишнинг маълум бир «иктисодий харажатлари» мавжуддир. Ушбу ҳолатда, инфляциянинг асл сабабини ўрганмасдан туриб, марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш пул бозорида фоиз ставкаларининг кўтарилишига олиб келиб, ялпи истеъмол ва инвестициялар ҳажмига салбий таъсир этади. Ушбу ҳолатда пул-кредит сиёсати асосий инфляциянинг тебранишларини маълум маънода текислаш имконини берса-да, иқтисодий фаолликнинг пасайиши ва ишсизлик даражасининг кўтарилишига олиб келади. Яъни, бу ерда қисқа муддатда мамлакат учун қайси мақсад устунроқ эканлиги муҳимдир, яъни инфляция даражасини пасайтиришми ёки ишлаб чиқаришнинг барқарорлигини таъминлашми? Лекин барқарор ва паст даражадаги инфляция узоқ муддатда иқтисодий ўсишнинг асосий зарурий шарти эканлигини унутмаслик лозим.

Ушбу омилларни инобатга олган ҳолда, ХВФ ва кўпчилик таниқли иқтисодчи олимлар томонидан марказий банклар асосий эътиборни истеъмол баҳолари индекси (ИБИ) билан ўлчанадиган инфляция даражасига (асосий инфляция кўрсаткичига) эмас, балки узоқ муддатли нархлар ўзгаришини ифодаловчи инфляция кўрсаткичи – базавий инфляцияга қаратишни тавсия этади. Базавий инфляция қисқа муддатли транзитив шоклардан ҳоли бўлиб, монетар омиллар билан изоҳланувчи узоқ муддатли инфляциявий трендни ифодалайди.

Базавий инфляцияни ҳисоблашнинг турли услублари мавжуд бўлиб, уларнинг қай бирини қўллаш масаласи бир мамлакатда иккинчисидан фарқ қилиши мумкин. Ҳозирги даврда, базавий инфляция барча ривожланган

мамлакатлар ва кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар марказий банклари томонидан ҳисобланиб, мониторинг қилиб борилмоқда. Инфляциявий таргетлаш тизимига ўтган Канада, Австралия ва Янги Зеландияда асосий инфляция кўрсаткичини эмас, балки базавий инфляцияни тартибга солиш пул-кредит сиёсатининг бош мақсади қилиб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, жаҳон бозорида озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотлар нархи ошишининг ички бозордаги нархларга таъсирини тўлиқ инкор қилиб бўлмайди ва ушбу таъсирни инфляцияга қарши тадбирлар ёрдамида маълум даражада пасайтириш мумкин, холос. Истеъмол саватида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши қанчалик катта бўлса, мазкур омилнинг мамлакатдаги инфляция даражасига таъсири шунчалик кучли.

Ўзбекистонда асосий инфляция кўрсаткичи билан бир қаторда, базавий инфляциянинг ҳисоби ва мониторингини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, пул-кредит сиёсати тадбирларини белгилашда асосий эътиборни узок муддатли инфляция трендига қаратиш, иқтисодий фаолликни кескин тебранишларининг олдини олишга имкон беради.

Марказий банк мажбурий захира ставкалари нисбатан юқори эканлиги тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади, пул массасининг мультипликатив кенгайиш даражасини пасайтиради.

Шунингдек, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини белгилашда инфляция даражаси ҳисобга олинмаётганлиги кўриниб турибди. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ва мажбурий захира ставкаларини инфляциянинг йиллик даражасини ҳисобга олган ҳолда, бир рақамли сондан иборат қилиб белгилаш керак. Бу эса, тижорат банкларининг кредитлаш ҳажмини ошириш, кредитларнинг фоиз ставкаларини пасайтириш имконини беради.

**Ўзбекистон Республикасида Марказий банк қайта молиялаш
ставкасининг йиллик даражаси, тижорат банклари томонидан сўмда
берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз
ставкалари¹³, фоизда**

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0	14,0
Тижорат банкларининг сўмда берилган қисқа муддатли кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	18,8	19,4	18,5	16,4	15,9	13,8	13,6	13,4
Тижорат банкларининг сўмда берилган узоқ муддатли кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14,9	16,4	15,5	16,8	15,9	13,0	13,0	13,0

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2006-2010 йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгармасдан сақлаб қолинди. Аммо, ушбу давр мобайнида тижорат банкларининг сўмда берилган қисқа муддатли кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси 5,0 фоизли пунктга, узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 1,9 фоизли пунктга пасайди. Демак, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси билан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкалари ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд эмас.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг юқори ликвидли
қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари даражаси¹⁴**


Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Тижорат банклари активлари- жами, %	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тижорат банклари томонидан юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлардаги салмоғи, %	0,6	0,7	0,6	0,5	0,2	0,2	0,2	0,2

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2005-2010 йиллар мобайнида республикаимиз тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари даражаси жуда паст бўлиб, ушбу ҳолат Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини оширишга имкон бермайди.

Фикримизча, Марказий банкнинг очик бозор операциялари объектлари сонини халқаро рейтинг агентликлари бўлган – Стандарт энд Пурс ва Мудис агентликларининг юқори рейтинг балларига эга бўлган эмитентларнинг облигациялари ҳисобига ошириш зарур.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди

Миллий валюта-сўмнинг АҚШ долларига нисбатан девальвация суръати¹⁵, %



2-диаграммадан кўринадики, 2005-2010 йилларда республикамызда миллий валюта – сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш жараёни давом этган. Бунинг устига, 2009-2010 йилларда девальвация суръати жуда юқори бўлган. Бу эса, Марказий банкнинг валюта сиёсатини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради. Хусусан, миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида Марказий банкнинг своп операциялари орқали ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни қисқартириш усулидан фойдаланиш мумкин.

Бунда ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабнинг ошишига Марказий банкнинг валюта интервенцияси орқали барҳам берилиши лозим.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

2.3. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш механизмлари

Девальвация импортёрларнинг корхоналар молиявий ҳолатига ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш самарадорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Хусусан, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш натижасида ишлаб чиқарилган товарларни сотишдан олинган тушумлар хорижий валютада берилган кредитларни қоплашга етмайди.

4-жадвал

Евროзонада, Япония ва Ўзбекистонда пул массасининг йиллик ўсиш суръатлари¹⁶, %

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Евროзона	9,4	3,4	3,1	2,7	3,7	1,0	1,0	1,0
Япония	1,9	1,6	2,0	3,4	4,8	2,8	2,7	2,6
Ўзбекистон	54,3	36,8	46,1	32,4	38,9	34,9	34,6	34,4

4-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2005-2012 йилларда республикамизда пул массаси ўсиш суръати бошқа давлатларга нисбатан юқори ва беқарор бўлган. Бу эса, пул тизими ҳолатига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради.

2012 йилда республикамиз бўйича уюшмаган савдонинг жами товарлар айланмасидаги улуши юқори даражада бўлди. Бу эса, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, уюшган савдонинг жами товар айланмасидаги улушини ошириш, пуллик чеклар муомаласини жорий этиш, Марказий банкнинг

¹⁶ IMF «International Financial Statistics» маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

захира-вакиллик тизими узлуксизлигини таъминлаш нақд пул муомаласини тартибга солиш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

5-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2005-2012 йилларда республикада пластик карточкалар сони, шу жумладан, корпоратив карточкалар сони ўсиш тенденциясига эга бўлди. Шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони ҳам таҳлил қилинган давр мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Натижада, 2005-2012 йилларда пластик карточкалар орқали ўтган тўловлар миқдорини юқори суръатларда ўсишига эришилди.

5-жадвал

Тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар орқали ўтказилган транзакциялар ҳажми ва таркиби¹⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Пластик карточкалар сони, минг дона	2099,7	3219,7	3711,0	4498,8	6058,9	7909,4	8617,0	8918,5
Корпоратив карточкалар сони, дони	3494	4626	6358	7945	14083	26020	43040	51244
Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони, дона	11016	14277	17752	27504	60631	85741	110633	134325
Пластик карточкалар орқали ўтган тўловлар миқдори, млрд сўм	290	378	700	1384	3846	9454	14321	23217

Аммо республикада пуллик чеклар муомаласи мавжуд эмас. Бунинг устига, пластик карточкалар орқали ўтаётган тўловларнинг асосий қисми

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

технологик жиҳатдан анча эски ҳисобланган «Дуэт» тизимидаги карточкаларда амалга оширилмоқда. Ушбу карточкалар «of-line» режимида ишлайди. Фикримизча, республикамиз тўлов амалиётига фақат «on-line» режимида ишлайдиган пластик карточкаларни жорий этиш лозим. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган республикамизда ишлаб чиқариладиган пластик карточкаларни (камида йилига 500 минг дона) тўлиқ «on-line» режимида ишлашини таъминлаш лозим. Бундан ташқари, пуллик чеклар орқали амалга ошириладиган тўловларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш ва уларни эмитентнинг жорий ҳисобрақамида пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, нақд пулларда ўз вақтида тўланишини таъминлаш лозим.

Пуллик чекларни нақд пулларда тўланишини таъминламаслик уларга бўлган ишончсизликни юзага келтиради. Бу эса, улар орқали амалга ошириладиган тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади.

**III Боб. Пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини
такомиллаштириш орқали корхоналар молиявий барқарорлигини
таъминлаш йўллари**

**3.1. Пул-кредит инструментларидан самарали фойдаланиш
самарадорлиги**

Иқтисодиётни барқарорлаштириш зарур бўлган бир шароитда унинг у ёки бу воситаларини қўллашнинг самарадорлиги ва сernативчилиги муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Биз биламизки, иқтисодиётни барқарорлаштириш мақсадида фискал сиёсат ва бошқа механизмлардан фойдаланилиши ҳам мумкин. Бироқ, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги кўпчилик иқтисодчилар умумий тан олишига кўра пул кредит сиёсати - давлат барқарорлаштириш сиёсатининг ажралмас қисми ва самарали воситасидир.

Пул кредит сиёсатидан фойдаланишнинг муҳим афзаллиги мамлакат иқтисодиётининг ҳолатига тез ва самарали таъсир кўрсатишдан иборатдир. Агар тегишли фискал сиёсатни қўллаш давлат ҳокимиятининг юқори органларида муҳокама қилиш билан боғлиқ бўлса, пул кредит сиёсатини қўллаш масаласи Марказий банкнинг ўзида оператив (тезкор) ҳал қилиниши мумкин. Ушбу сиёсатни қўллаш натижалари давлатнинг молиявий ҳолатида жуда тез акс этади. Бу ҳол, масалан, инфляцияга қарши кураш соҳасида тезкор чоралар кўриш шароитида жуда муҳимдир.

Марказий банкка ўз пул кредит сиёсатини амалга оширишда ана шундай ваколатлар ва имкониятлар молиявий ва иқтисодий барқарорликни, миллий валютанинг узоқ истиқболда барқарор бўлишини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонунда бериб қўйилган.

Пул кредит сиёсатининг очиқ кўриниб турган афзалликлари билан бир қаторда унинг айрим камчиликларини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Агар "қиммат пуллар" сиёсати ғайрат билан амалга оширилганда қўйилган натижага анча муқаррар суръатда эришилса ва пул таклиф қилиш чекланса,

"арзон пуллар" сиёсати эса тижорат банкларининг кредит ресурслари кенгайишини таъминлагани ҳолда, тижорат банклари чиндан ҳам қарз беришни ҳамда пул таклиф қилиш кўпайишини кафолатлашга қодир эмас.

Агар ликвидликка эга бўлиб олишга интилаётган тижорат банклари кредит беришни хоҳламасалар ёки Марказий банк хоҳлаган даражада бермасалар унинг "арзон пуллар" сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги куч ғайратлари яхши самара бермайди. Аҳоли ҳам ортиқча захираларни қарзга олмасликка қарор қилиб, Марказий банкнинг ниятларини пучга чиқариши мумкин, бундан ташқари Марказий банк аҳолидан давлат облигацияларини сотиб олиш йўли билан иқтисодиётга йўллайдиган пуллардан аҳоли мавжуд қарзларни тўлаш учун фойдаланиши ҳам мумкин.

Ўзида ифодаланадиган бундай ҳодиса даврий асимметрия деган ном олди. Шунинг кўрсатиб ўтиш керакки, даврий асимметрия иқтисодиёт турруялик ҳолатида ёки ўтиш даври ҳолатида бўлган ҳамда миллий валютанинг курси барқарор бўлмаган бир шароитда пул кредит сиёсатини амалга оширишга жиддий тўсиқ бўлади.

Бундан ташқари пул-кредит сиёсатини амалга ошириш самарадорлиги пул муомаласининг тезлиги ўзгаришига таъсир кўрсатади. Бизнинг арзон ёки қиммат пуллар сиёсатини амалга ошириш тўғрисида юқорида юритган фикрларимиз пул муомаласининг тезлиги ўзгармас бўлишини тақозо этар эди. Бироқ пул муомаласи тезлигининг ўзгариши пул-кредит сиёсатининг амалга ошириш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Баъзи бир кейнсчилар пул муомаласининг тезлиги пул таклиф қилишга қарама-қарши йўналишда ўзгариш жиҳатига эга деб ҳисоблаб, шу тариқа пул-кредит сиёсати назарда тутган пул таклиф қилинишини кенгайтиришга интилишни йўққа чиқариб юборади.

Масалан, инфляция вақтида, пул таклиф қилиш Марказий банк сиёсати билан чеклаб қўйиладиган вақтда пулнинг муомала қилиш тезлиги ошиб боришга мойил бўлиб, бу ҳол билвосита пул таклиф қилишнинг кенгайишини англатади, бунинг натижасида чекловчи пул кредит

сиёсатининг натижалари йўққа чиқиб кетади. Аксинча, ишлаб чиқаришни жонлангириш учун пул таклиф қилишни кенгайтириш чораларини қўлланилганида пул муомаласининг тезлиги тушиб кетиши ҳам мумкин.

1994-1995 йилларда пул муомаласини барқарорлаштириш вазифаси Ўзбекистон Марказий банкидан пул массасининг ўсишини секинлаштиришни, ушлаб туришни талаб қилди. Айни 1994 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб рестрикцион пул-кредит сиёсати амалга оширила бошладики, бунинг натижасида пул массасининг ва инфляциянинг ўсиш суръатлари сезиларли даражада қисқара бошлади. Номинал пул массасининг ўртача йиллик ҳажми 1995 йилда 4 барабардан ортиқроқ кўпайди, бу эса 1994 йилдагидан 1,5 баробар камдир. Ички ялпи маҳсулот дефлятори 4,7 барабарни ташкил этди, у 1994 йилдаги ушбу кўрсаткич даражасидан деярли 3 барабар камдир. Шунга мувофиқ гарчи мутлақ даражаси ошиб борган бўлсада, муомала тезлигининг ўсиш суръатлари қисқарди.

Муомала тезлигига ва пул кредит сиёсатининг самарадорлигига пул бозорларидага фоиз ставкалари таъсир кўрсатади. Биз аҳоли харажатлари оқимидаги камайишларни ушбу оқимга пул қўшиш билан боғлайдиган фоиз ставкасининг роли тўғрисида гапирган эдик. Бунда пул кредит сиёсати мақсадлари билан фоиз ставкасининг ўзаро алоқаси ғоят зиддиятлидир. Муомаладаги ггул массасининг кўпайиши пулни арзонлаштиради ёки фоиз ставкаларини камайтиради, бироқ фоиз ставкаларининг пасайиши амалда депозит ва кредит бозорларида кўпинча бир хил бўлмайди: банклар депозит ставкалари пасайганида кредит фоиз ставкаларини пасайтирмасликлари мумкин, шундай бўлганида муомала тезлига унча ўзгармаслига ёки умуман ўзгармаслиги мумкин бўлиб, бу ҳол кўзланган мақсадларни беқарор қилиб қўяди. Фоиз ставкалари бир текис пасайиб борганида депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пул маблағлари муомаласининг тезлигига таъсири бири-бирини йўққа чиқариб юборади ва пул кредит сиёсатининг амал қилиши тобора самарадор бўлади. Пул таклиф қилиш мақсадлари билан фоиз ставкалари ўртасидага номувофиқлик мақсадлар дилеммасини келтириб

чиқаради. Бу диллема шунинг учун ҳам келиб чиқадики, раҳбар пул кредит муассасалари ҳам ггул таклиф қилишни ҳам фоиз ставкаларини бир вақтнинг ўзида барқарорлаштира олмайди. Қарама-қарши мақсадлар коллизияси натижасида анча прагматик, мақсадли ўртача позицияни ишлаб чиқиш мумкин бўладики, бунда фоиз ставкаларига ҳам, шунингдек пул таклиф қилишга ҳам маълум даражада эътибор берилади, бироқ уларнинг бирортаси ҳам очикданочик афзал кўрилмайди.

Молия бозорлари етарли даражада ривожланмаган бир шароитда пул кредит сиёсати воситалари билан фоиз ставкалари ўртасидага боғланиш кучсизлиги айниқса аниқ кузатилади. Масалан, 1990-1995 йилларда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ггул кредит сиёсати пул бозорларида фоизлар ҳосил бўлишига сезиларли таъсир кўрсатгани йўқ. Тижорат банкларини қайта молиялашда марказлаштирилган ва банклараро кредитларнинг устунлик қилиши, захира талаб қилишнинг юқори меъёрлари пул бозорларида фоиз белгилашни шакллантиришга тўсқинлик қилди: молия бозори ривожланмаганлига натижасида турли фоиз ставкалари ўртасида кучсиз ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб турди. Бу ҳол Марказий банкнинг фоиз сиёсатига тўсқинлик қилган ва уни тижорат банклари кредити бўйича фоизлар белгилаш устидан назорат қилишнинг бевосита чораларини қўллашга мажбур қилган эди.

Тижорат банкларида кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг салбийлиги сақланиб қолиши марказлаштирилган қайта молиялаш кредитлари билан, депозитлар бўйича эса, ўша вақтда мавжуд бўлган пул массасини назорат қилиш механизми билан боғлиқ эди. Буларнинг биринчиси бозор усулида кредитлашни, иккинчиси эса аҳоли ва корхоналар билан фаол ишлашни бузар эди: 1995 йилда инфляция суръатлари пасайган бўлишига қарамай, аҳолининг ва корхоналарнинг тижорат банкларига муддатли депозитлари 1996 йил бошига келиб, 15,4 фоизгача пасайди (8,9 фоиз камайди). Бу даврда тижорат банклари кредитлар ва муддатли депозитлар бўйича фоиз ставкаларини бозордаги вазият ўзгаришини ҳисобга

олган ҳолда оператив бошқарилишини таъминламадилар. Бу ҳол кредитлар ва уларга тўланадиган фоизлар бўйича кечиктириб юборилган қарздорликни оширар, шунингдек банкларга бўлган ишончни камайтирар эди.

Шундай қилиб, фоиз белгилашнинг ривожланмаганлиги тижорат банклари кредит ресурсларининг айланишини секинлашгарар, аҳоли ва корхоналарнинг жамғармалари фаоллашуви учун етарли шарт-шароит таъминлаб бермас эди.

Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш самарадорлигига давлатнинг халқаро сиёсати ҳам таъсир кўрсатади. Фоиз ставкаларини ошириш мамлакатга чет эл молиявий инвестицияларни кўпайтиради, ички миллий валютага бўлган талабни кучайтиради. Миллий валюта қийматининг ошиши унинг чет эл валюталарига нисбатан курси ошишига, соф экспортнинг пасайишига ва тўлов балансининг ёмонлашувига олиб келади. Фоиз ставкасининг пасайиши хориждан молиявий капиталнинг кириб келишини камайтиради. Бинобарин, миллий валютанинг курси пасаяди, соф экспорт эса ошиб боради. Шу сабабли мамлакатда фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли келиб чиққан халқаро капитал оқимлари мамлакат ичида пул кредит сиёсатини кучайтиради, деб хулоса чиқариш мумкин.

Албатга, иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган МДХ мамлакатлари учун 90-йилларнинг биринчи ярмидаги нисбий фоиз ставкалари ҳали чет эл капиталини жалб қилиш учун рол ўтнай олмас эди. Бунинг асосий сабаблари бозор муассасаларининг, бозор психологиясининг шаклланмаганлигидан, МДХ мамлакатлари ўртасидаги капиталлар оқимини тартибга солиб турган ҳар хил тўсиқлар сабаб бўлган эди. Масалан, Ўзбекистон билан қўшни Козоғистон Республикасида 1995 йилда валюта депозитлари бўйича нисбатан юқори фоиз ставкалари мамлакатлар ўртасидаги валюта оқимидан кўпроқ ички иқтисодий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ халқаро иқтисодий муносабатларнинг ўсиши ички иқтисодий жараёнларга сабаб бўлишини инкор этиш мумкин эмас.

3.2. Корхоналар молиявий барқарорлигини пул-кредит воситалари ёрдамида тартибга солишни таъминлаш йўллари

Юқори инфляция даражаси ялпи ички маҳсулотнинг потенциал ўсишини бир неча фоиз бандга пасайтирган ҳолда, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Паст ва барқарор инфляция даражаси аҳоли ва тадбиркорлар томонидан ўз омонатлари ва сармояларини жойлаштириш бўйича тўғри қарорлар қабул қилиниши, пул кўринишидаги жамғармалар улушининг ошишига олиб келади, пул бозорида фоиз ставкалари пасайишига зарурий шарт-шароитлар яратиб, ишлаб чиқаришга инвестициялар ҳажмини янада кўпайтириш имконини беради ва ушбу омиллар натижасида узок муддатли барқарор иқтисодий ўсишга замин яратилади.

Ривожланган ва ривожланаётган кўплаб мамлакатларда, шунингдек ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда инфляция даражасининг пасайиши 90-йилларда жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг муҳим хусусиятларидан бири бўлди. 90-йилларнинг охирига келиб, деярли барча ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида юқори инфляция ва гиперинфляция муаммоси ҳал қилинди.

Шунга қарамай, айни пайтда инфляция даражаси ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, МДХга кирувчи давлатларда юқориликча қолмоқда (6-жадвал) ва уни янада пасайтириш айни пайтда долзарб масалалардан биридир. 2000-2011 йиллар давомида ривожланган давлатлар ўртача йиллик инфляция даражаси 2 фоиз, барча ривожланаётган давлатларда 6,9 фоиз бўлган бўлса, МДХда ўртача 13,0 фоизни ташкил қилди.


Ривожланаётган мамлакатларда инфляция даражаси юқорилигининг турли омиллари мавжуд бўлиб, уларнинг энг асосийларидан бири жорий аср бошидан жаҳон бозорида озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотлари нархининг ошишидир.

1990-2011 йилларда жаҳон иқтисодиётида инфляция даражаси¹⁸

	1990-1999 йиллар ўртача йиллик ¹⁹	2000-2011 йиллар ўртача йиллик
Жаҳон иқтисодиёти	15,12	3,85
Ривожланган давлатлар	2,94	2,04
Ривожланаётган давлатлар	43,99	6,91
МДХ, Грузия ва Монголия	99,50	13,00

XX асрнинг сўнгги 40 йили давомида жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия ресурслари нархларининг паса-йиши кузатилган бўлса, 2000 йилнинг бошидан ушбу маҳсулотлар нархининг кўтарилиши юз бермоқда. Халқаро валюта фондининг (ХВФ) маълумотиغا кўра, сўнгги 11 йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи таққослама нархда қарийб 2 баробарга, нефтнинг нархи 3,0 мартага ошган (3-диаграмма).

3-диаграмма.

Ривожланган, ривожланаётган мамлакатларда ва МДХ да инфляция динамикаси

¹⁸ ХВФ, Халқаро Молиявий Статистика, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида ҳисобланган. Истеъмол баҳолари индекси бўйича ҳисобланган йиллик инфляция даражаларининг кўрсатилган давридаги ўрта арифметиғи олигган

¹⁹ МДХ учун 1994-1999 йиллардаги ўртача йиллик инфляция олинган.

Шу билан бир қаторда, сўнгги йилларда, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи нархи динамикасининг кескин тебранувчанлиги ва уларнинг ўзгариши бўйича олдиндан аниқроқ хулоса қилиш мураккаблиги ушбу маҳсулотлар нархларининг муҳим хусусиятларидан бирига айланди.

Жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёқилғи маҳсулотлари нархининг ўсишини қуйидаги омиллар ёрдамида изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, ривожланаётган давлатларнинг, жумладан Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби йирик ривожланаётган давлатларда ишлаб чиқаришнинг тез суръатларда ўсиши туфайли уларда энергия ресурсларига ҳамда аҳоли турмуш даражасининг кўтарилиши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ошиши кузатилмоқда.

Иккинчидан, 2007 йилнинг иккинчи ярмида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли ривожланган мамлакатлар марказий банклари томонидан пул-кредит сиёсатининг юмшатилиши жаҳон бозорида ҳам ашё товарлари, айниқса, озиқ-овқат ва ёқилғи нархининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда. АҚШ, Япония, Буюк Британия каби йирик ривожланган давлатлар иқтисодий ривожланиш истиқболларидаги ноаниқликлар сақланиб қолмоқда, евроҳудуддаги давлат қарзи инқирози туфайли ушбу мамлакатлар марказий банклари томонидан «миқдорий юмшатиш» ибораси билан ном олган ноанъанавий пул-кредит сиёсати юритилмоқда ва базавий фойз ставкалар эса деряли нолга яқин миқдорда ушлаб турилибди.

Учинчидан, нефть маҳсулотлари етказиб берувчи асосий минтақа ҳисобланган Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларидаги сиёсий танглик ҳолати нефть нархининг кўтарилиши ва кескин тебранишларига сабаб бўлмоқда.

Тўртинчидан, жаҳон бозорида нефть нархининг ўсиши сабабли биоёқилғи ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши ва ҳукуматлар томонидан рағбатлантирилиши шакар ва ўсимлик ёғи нархининг кўтарилишига олиб келди. Жумладан, 2010 йилда жаҳондаги маккажўхори ҳосилининг 15 фоизи биоэтанол ишлаб чиқаришга ишлатилган.

Бешинчидан, жаҳон бозорида нефть нархининг кўтарилиши билвосита минерал ўғит ишлаб чиқариш таннархининг ошиши ҳисобига озиқ-овқат маҳсулотлари нархига таъсир қилади.

Озиқ-овқат ва ёқилғи маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари ўсишининг ички инфляцияга таъсири ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан юқоридир. ХВФ томонидан амалга оширилган тадқиқот ва статистик баҳолаш натижаларига кўра, жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг 1 фоизга ўсиши улар нархининг ривожланган мамлакатларда ўртача 0,34 фоизга, ривожланган мамлакатларда 0,18 фоиз ўсишига олиб келади.

Ушбу халқаро молиявий ташкилот ҳисоб-китобларига кўра, 2008 йилдаги озиқ-овқатларнинг ўсиши ривожланаётган мамлакатлардаги инфляциянинг ўртача 5 фоиз бандини, ривожланган мамлакатларда 1 фоиз бандини белгилаб берган.

Нима учун жаҳон бозорида озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиши ривожланаётган мамлакатларда ривожланган мамлакатларга нисбатан юқори деган табиий савол туғилади. Бунинг энг асосий сабаби ривожланаётган мамлакатлар истеъмол саватида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг юқорлигидир. ХВФнинг маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда ривожланаётган мамлакатлар истеъмол саватида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши ўртача 30 фоизни ташкил қилгани ҳолда, ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача 17 фоизни ташкил қилади. Мамлакатдаги истеъмол саватида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши қанчалик катта бўлса, ушбу маҳсулотлар нархи ўсишининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсири шунчалик юқори бўлиб, иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар миқдорининг оширилишини келтириб чиқариши, ўз навбатида, иқтисодиётда инфляциявий босимнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

3.3. Тижорат банкларининг корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитидатижорат банкларининг кредитлари миллий иқтисодиётнинг ривожига учун муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестицион харажатларни ва хўжалик субъектларининг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларини кредитлашга катта эътибор берилмоқда. Агар тижорат банклари томонидан кредитлар тўғри жойлаштирилса, бу икки томонлама фойдали ҳисобланади. Биринчидан, кредит самарадорлигини ошириб, унинг банкка ўз вақтида қайтишига ва бу орқали банк даромадининг ошишига хизмат қилса, иккинчидан, маълум бир соҳага жойлаштирилган кредит, шу соҳани ривожлантиришга, янги иш ўринларини яратишга ва бу орқали ЯИМни ошишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсишига хизмат қилади. Бундай натижаларга эришиш учун, албатта, барқарор банк тизимига, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига ҳамда банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайишига эришиш зарур.

Бундай рақобатнинг ошиши эса тижорат банклари томонидан кредит таклифини ошишига ва кредит фоизларининг пасайишига ҳамда бунинг натижасида, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Иқтисодиёт тармоқларини янги техника-технология билан таъминлаш эса ушбу соҳаларда ишлаб чиқариш кўламини оширади ва натижада ЯИМнинг ошиши ҳисобига иқтисодий ўсишга эришилади.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда пул ва кредитнинг ролини назарий асослаган таълимотчилардан М.Фридмен мактабининг пуллар таклифи хусусидаги қарашлари таҳлилидан иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши пул массасининг мўътадил ва мунтазам ўсишини талаб қилади, деган хулоса келиб чиқади²⁰. Мазкур хулоса пул массасининг ўсиш суръати доимий бўлиши лозим ва

²⁰ Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. — М.: Дело, 1999. — С. 100-101.

унинг ўзгариши иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига умуман боғлиқ эмас²¹, деган монетаризмнинг назарий қондаси шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу қондага кўра, пулларга бўлган талаб касса қолдиқлари ва номинал даромаднинг ўсишига мос равишда камаймайди, аксинча ўзгармасдан қолади. Чунки пуллар тақлифидаги ҳар бир ўзгариш нафақат инвестициялар даражасига, балки шахсий истеъмол ҳажмига ҳам таъсир қилади. Шахсий истеъмолнинг ҳажми эса, ўз навбатида, номинал даромадлар динамикасига мутаносиб равишда ўзгариб боради.

Ж.М.Кейнснинг назарияларида пулларга ишлаб чиқаришнинг эндоген омили сифнада қаралади ва пулларни ликвид актив сифатида сақдашнинг субъектив асослари таҳлил қилинади. Таҳлил жараёнида асосий эътибор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда пул маблағларидан фойдаланишга қаратилган²².

Ж.М.Кейнс назарияси, капиталнинг яратувчанлик назариясига асосланади. Бунда иқтисодиётни кредит орқали тартибга солиш ва кредит ресурслари эмиссияси ривожланишни таъминлашга асосланади. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва истеъмол бозорини кенгайтириш учун ссуда фоиз ставкасини пасайтириш лозим. Натижада иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар (инвестициялар) ҳажми, ишлаб чиқариш ва истеъмол талаби ошади. Бунинг натижасида эса мамлакатда ишсизлик даражаси камаяди.

Қуйидаги жадвал орқали Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлигини кўриб ўтамиз:

ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлиги, яъни монетизация коэффициентининг юқори бўлиши иқтисодиётда пулни яратиш механизми самарали ишлашидан далолат беради. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда монетизация даражаси йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2010 йилда 21,0 фоизни ташкил этган. Лекин худди шундай кўрсаткични ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўрадиган бўлсак, бу натижа паст ҳисобланади.

²¹ Фридмен М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. — М.: Дело, 1999. — С. 117.

²² Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. - М.: Гелиос, 1999

Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлик динамикаси

№	Кўрсаткичлар	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2010 йилда 2006 йилга нисбата ўзгариши, ф.п
1	ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлиги, %	14,9 '	17,3	18,8	20,0	21,0	6,1 ф.п.
2	Тижорат банклари активлари, млрд. сўм	7207,0	9276,1	12064,7	15703,1	20739,5	2,9 марта
2.1	Тижорат банклари активларининг ЯИМдаги салмоғи, %	47,4	44,6	32,7	32,7	33,7	-13,7 фл.
3	Тижорат банклари капитали, млрд. сўм	1070,0	1502,6	2104,3	3010,4	4100,1	3,8 марта
3.1	Тижорат банклари капиталининг ЯИМдаги салмоғи, %	7,0	7,2	5,7	6,3	6,6	-0,4 ф.и.
3.2	Тижорат банклари капиталининг брутто активлардага салмоғи, %	14,8	16,2	17,4	19,2	19,8	5,0 ф.п.
4	Тижорат банклари кредитлари, млрд.сўм	4104,0	4757,4	6371,9	8556,8	11539,0	2,8 марта
3.1	Тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги салмоғи, %	27,0	22,9	17,3	17,8	18,7	-8,3 ф.п.
3.2	Тижорат банклари кредитларининг брутто активлардага улуши, %	56,9	51,3	52,8	54,5	55,6	-1,3 ф.п.

²³ International Monetary Fund: International Financial Statistics, August 2010. бюллетени ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

Масалан, Англия ва Японияда монетизация коэффициентининг амалдаги даражаси 2009 йилда мос равишда 146,5 ва 159,1 фоизни ташкил этиб, 2005 йилга нисбатан 40,6 ф.п. ва 19,3 ф.п.га ошган. Бу эса ушбу мамлакатларда пул мультипликатори кўрсаткичи юқорилигини англатади. Шунингдек, Японияда Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик даражасини 0,1 фоиз ва 2010 йилнинг 5 октябридан бошлаб 0 фоиз қилиб белгиланиши ушбу кўрсаткичнинг янада ошишига хизмат қилади²⁴.

7-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2006-2010 йиллар давомида мамлакатимизда тижорат банкларининг активлари, капитали ва кредитлари ҳам барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2010 йилда тижорат банкларининг активлари, капитали ва кредитлари мос равишда 20739,5 млрд. сўм, 4100,1 млрд. сўм ва 11539,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан мос равишда 2,9 марта, 3,8 марта ва 2,8 мартага ортган. Мамлакатимизда банк капиталининг 3,8 мартага ошишини сўнгги йилларда банкларнинг капиталлашув даражасига катта эътибор берилаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Банкларимиз капиталининг юқори суръатларда ўсиши, ўз навбатида, уларнинг иқтисодийтимиз реал секторини молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштирокини фаоллаштиришга, банк активлари ва кредит қўйилмалари ҳажмининг кўпайишига ижобий таъсир қилди.

Шунингдек, таҳлил натижасида 2010 йилда 2006 йилга нисбатан тижорат банклари активлари, капитали ва кредитларининг ўсиш тенденцияси кузатилганига қарамай, уларнинг ЯИМдаги улуши мос равишда 13,7 ф.п., 0,4 ф.п. ва 8,3 ф.п.га камайган. Таҳлил даврида ЯИМнинг ўзгариши 2006 йилга нисбатан қарийб 4,1 маротабага ошган. Демак, ЯИМнинг ўсиш суръати банк активлари ва кредитларининг ўсиш суръатларидан юқори. Тижорат банклари кредитларининг ЯИМга нисбатан салмоғининг пасайиши ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини оширишга салбий таъсир қилади. Бу эса иқтисодийтимиз учун салбин ҳол ҳисобланиб, ЯИМнинг пул маблағлари

²⁴ <http://www.centralbank.com>

билан етарлича таъминланмаганлигини билдиради. Шунинг учун бу кўрсаткични ошириш иқтисодиёт ўсишининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шундай экан, тижорат банклари ялпи капиталининг мамлакат ЯИМдаги салмоғини ошириш йўли билан банкларнинг активлари ва кредит қўйилмаларини ўсишини таъминлаш мумкин.

Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда тижорат банклари активларининг ЯИМдаги улуши 100 фоиз ва ундан ортиқ қисми ташкил этади²⁵, яъни банкларнинг умумий активлари миқдори мамлакат ЯИМ миқдоридан юқори. Бу эса ушбу мамлакатларда ЯИМнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг юқори бўлиши ва кредит таклифининг юқорилиги билан изоҳланади.

Шунингдек, тижорат банклари кредитларининг ўз вақтида қайтиши, мамлакатда ЯИМнинг ўсиш суръати билан боғлиқликка эга. Ушбу боғлиқлик икки томонлама характерга эга, яъни банкларда кредитлашнинг тўғри ташкил этилиши, бир томондан, ЯИМ ўсишига хизмат қилса, иккинчи томондан, берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтишини таъминлашга хизмат қилади.

О.И.Лаврушиннинг фикрича, тижорат банкларининг кредит операциялари ва моддий ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд ҳамда банк кредитлари ҳажми иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади²⁶. Чунки тижорат банклари кредит қўйилмалари салмоғининг пасайиши, кредит таклифининг қисқариши ва кредитлар баҳосининг юқори бўлиши мамлакатда ишлаб чиқариш ҳажмига ҳамда ЯИМнинг ўсиш суръатига салбий таъсирни келтириб чиқаради.

Халқаро банк амалиётида банк кредитларининг ЯИМдаги улушига муҳим макроиқтисодий кўрсаткич сифатида қаралади. ЯИМни яратишда банк кредитларининг кенг иштирок этиши орқали иқтисодиётда ички талаб рағбатлантирилади ва субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларда дебитор-

²⁵ International Monetary Fund: International Financial Statistics, August 2010. бюллетени ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

²⁶ Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования: финансовая политика при правительстве РФ. 4-е изд., стереотип. — М.: КноРус, 2008. — С 35.

кредитор қарздорликнинг имайишига замин яратади. Шунингдек, тижорат банклари кредитларини ЯИМдаги улушининг юқори бўлиши, иқтисодиётнинг пул билан таъминланганлигини ўзида ифода этади.

Ҳозирги кунда корхоналар барқарорлигини таъминлашда тижорат банклари кредитлари таклифини ошириш ва банк кредитларининг иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаши борасида долзарб муаммолар мавжуд. Республикамизда тижорат банклари кредитларининг корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини ва кредитлашни такомиллаштириш орқали кредитлаш самарадорлигини ошириш, банк кредитларининг иқтисодий ўсиш суръатларига таъсирини кучайтириш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг мавжудлиги сабабли, уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиядарни ишлаб чиқиш зарур.

Қуйида банк кредитларининг корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ролини ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича ишлаб чиққан илмий таклиф ва амалий тавсияларимизни келтириб ўтамыз:

1. Республикамиз тижорат банклари кредитларининг банк активлари таркибидаги улуши паст эканлиги. 2011 йил 1 январь ҳолатига банк кредит кўйилмаларининг активлар таркибидаги салмоғи 55,6 фоизни ташкил қилган²⁷. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари кредитларининг активлар таркибидаги салмога 60 фоизда юқори бўлиши тавсия этилади. Бизда ҳам ушбу курсаткични тижорат банклари томонидан кредитлашнинг замонавий усуллари, яъни контокоррент, офердрафт, синдициялашган, ломбард, факторинг ва форфейтинг каби усулларида амалиётида фойдаланиш орқали оширилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки ушбу кўрсаткич тижорат банклари самарадорлигини ошириш ва бу орқали иқтисодий ўсиш суръатларини ошишига хизмат қилади. Шунингдек, кредитлашнинг ушбу усуллари банк хизматларининг жозибадорлиги, банк ресурслари таклифи ва кредитлаш самарадорлиги ошишини таъминлайди.

2. Мамлакатимиз банк кредитлари эмиссиясининг паст даражада эканлиги монетизация коэффицентига салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан,

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари

2011 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида монетизация коэффициенти 21 фоизни ташкил этган²⁸. Ҳолбуки, Халқаро Валюта Фонди экспертлари томонидан ривожланаётган мамлакатларда монетизация коэффициенти ўртача 30-35 фоиздан юқори бўлиши тавсия этилади. Мамлакатимизда қайта молиялаш ставкасини тушириш орқали кредитлар эмиссиясини кўтариш мақсадга мувофиқ. Чунки бу орқали ЯИМнинг пул маблағлари билан тўйинганлиги таъминланади.

3. Тижорат банклари кредитларининг иқтисодий тармоқлари ва соҳалари бўйича нотекис тақсимланиши сақланиб қолмоқда. Масалан, 2010 йил бошида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 10,9 фоизи қишлоқ хўжалиги, 7,9 фоизи қурилиш, 2,9 фоизи моддий-техника соҳасига тўғри келган¹⁰. Тижорат банклари кредитларининг иқтисодий тармоқлари бўйича номутаносиб тақсимланиши ушбу тармоқларда маҳсулот ишлаб чиқириш ва хизматлар кўрсатиш даражасига салбий таъсир қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг ЯИМ ўсишига салбий таъсирни келтириб чиқаради. Мамлакатимизда ЯИМ таркибида пасг салмоқни эгаллаган тармоқларга эътиборни қаратиб, уларни пул маблағлари билан тўйинтирилишини (яъни имтиёзли кредитлар берилишини) тақлиф этамиз. Чунки ушбу соҳаларнинг ривожлантирилиши ЯИМнинг ўсишига хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан кўринибтурибдики, Ўзбекистон Республикасида стратегик соҳа ва тармоқларни ривожлантириш банкларнинг кредит қўйилмалари миқдорини ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Тижорат банклари томонидан иқтисодий тармоқларини кредитлаш кўламининг оширилиши ушбу тармоқларни ривожлантириб, уларни мамлакат ЯИМдаги улушини оширишга замин яратади. Шунингдек, тижорат банклари кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини тўлдириш, уларни асосий фондлар билан қуроллантириш ҳамда аҳолининг турли истеъмол товарларни сотиб олиши ва хизматлардан фойдаланишининг воситаси ҳисобланади.

²⁸ Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари

IV боб. «Агро-Браво» МЧЖда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари.

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XXI асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXII аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон XXII асрга интилмоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-итисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва

алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшадини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. «Агро-Браво» МЧЖ ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайтиришда, ишга

кабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда сојлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган сојлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечојлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бојлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. нохуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш

омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объекларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. «Агро-Браво» МЧЖда ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чоратадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман

марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Йонгин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнгин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнгин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнгин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнгин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, хал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Сех, лаборатория, бўлим, омборхона, устахоналардаги ёнгин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнгин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнгинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнгин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнгиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;
- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнгинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ўнфинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнгиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнгин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнгин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

➤ саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

➤ Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

➤ ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

➤ корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

➤ ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва мухандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши муваффақиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош мухандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи-хизматчилар ва мухандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказди; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момик юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича

корхона сехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона худудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг кўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона худуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Йонғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. «Агро-Браво» МЧЖда фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқациз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришlash юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқацизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида

тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббӣй ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш муассасаларида тиббӣй экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогоз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётини қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун ба-жарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга сте-рил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноклик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи медицина ёрдамининг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакет-лари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериал воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва саннтар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригада-ларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёк ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида республикамизда пул тизими элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий хулосаларни шакллантирилди:

1. Пул тизими ва элементлари тўғрисида иқтисодий адабиётлардаги илмий қарашлар мавжуд бўлиб, уларни қиёсий ёритиш ва ўрганиш муҳим деб эътироф этиш зарур.

2. Ўзбекистон Республикасида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкалари белгиланишида инфляция даражасини тўлиқ ҳисобга олинмаётганлиги банкларнинг ишлаб чиқариш корхоналарини кредитлаш салоҳиятига ва уларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасига салбий таъсир этмоқда.

3. 2005-2012 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялари даражасининг нисбатан паст эканлиги Марказий банкнинг очик бозор операциялари ҳажмини оширишга имкон бермаяпти.

4. Республикамизда уюшмаган савдонинг жами товарлар айланмасидаги улушининг юқори даражада эканлиги нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

5. Республикамизда монетизация коэффиценти даражаси паст эканлиги, миллий валюта девальвацияланишининг давом этаётганлиги, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмаси мавжудлиги, пластик карточкаларга асосланган тўловлар амалиёти мукамал эмаслиги пул тизими элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардир.

Республикамизда пул-кредит инструментлари ва элементларидан фойдаланиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар битирув малакавий ишида ёритилди:

1. Пул тизими моҳиятини тўлароқ очиб беришга хизмат қилувчи қуйидаги муаллифлик таърифи шакллантирилди: «Пул тизими деганда, алоҳида олинган мамлакатда ёки ҳудудда пул айланмаси ташкил қилинишининг давлат-ҳуқуқий шакли тушунилади».

Пул тизими қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- пул бирлиги;
- пул айланмаси таркиби;
- пул айланмасини ташкил қилиш ва тартибга солиш;
- пул массаси ва таркиби;
- миллий валюта паритети ва курси;
- пул тизимини ташкил қилиш принциплари.

2. Инфляция даражасини, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира ставкаларини пасайтиришда тижорат банклари кредитлари номинал фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш йўли билан монетизация коэффиценти даражасини босқичма-босқич ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

3. Пул-кредит инструментларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш ва пул бозорини ривожлантириш ҳисобига муомаладаги пул массаси ўсиш суръатларини ва шу орқали корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш зарур.

4. Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини пасайтириш мақсадида Марказий банкнинг своп операциялари орқали ички валюта бозорида хорижий валюталарга бўлган талабни қисқартириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

5. Нақд пул муомаласини соғломлаштириш орқали корхоналар молиявий фаолиятини барқарорлаштиришни ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- мамлакатимиз тўлов амалиётига фақат “on-line” режимида ишлайдиган пластик карточкаларни жорий этиш ва улардан корхоналар томонидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

– пуллик чеклар муомаласини жорий этиш ва улар орқали амалга ошириладиган тўловларни тижорат банклари кредитлари ҳисобидан тўланишини йўлга қўйиш;

– корхоналарни жорий ҳисобрақамида пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, нақд пулларда барча сарфларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Т.: ЎзРДСҚ, 2010
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Т.: 25 апрел 1996 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. – Т.: 21 декабрь 1995 йил
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь 21-сон.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
7. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: Ўзбекистон, 2005
8. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
9. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Биржа. 2011 йил 22 январь 4-5 бетлар.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил

- Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 282 б.
- 11.Акрамов Э.А. Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2011.
- 12.Бард В.С. Финансово-инвестиционный комплекс - М.: Финансы и статистика, 1998. - 418 с.
- 13.Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф А.В. Вахабовнинг умумий тахрири остида. –Т.: Молия, 2010. - 328 б.
- 14.Ваҳобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ, 2009
- 15.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2008. -287б.
- 16.Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод ва молия, 2005.
- 17.Ваҳобов А.В. Маликов Т.С. Молия. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2011.
- 18.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003. -332 б.
- 19.Гулямов С.С. Проектный анализ инвестиций. - Т.: ГФНТИ 1995. - 249 с.
- 20.Деньги, кредит, банки: учебник / Лаврушин О. – М.: КноРус, 2012
- 21.Ендовинкий Д.А., Бабушкин В.А., Батурина Н.А. Анализ инвестиционной привлекательности организации: учебник - М.: КНОРУС, 2010.
- 22.Жураев А.С., Хужамкулов Д.Ю., Маматов Б.С; академик М. Шарифхужаев тахрири остида. Инвестиция лойихалар таҳлили: ўқув қўлланма –Т.: Шарқ, 2003. -256 б.
- 23.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2005.
- 24.Зайналов Д., Саттаров Т. Проблемы обеспечения финансовой стабильности предприятий. Монография. – Т.: Шарқ, 2011.

- 25.Зайналов Ж.Р. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Самарқанд: СамКИ, 2003.
- 26.Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. Учебное пособие. – М.: Омега М, 2010
- 27.Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг молия ва кредит механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Iqtisod-moliya, 2006. -296 б.
- 28.Лерментов Ю.М. Налоговая отчетность. Практические рекомендации по представлению. – М.:ООО НИО «Налог Инфо»-ООО «Статус-Кво», 2006.- 100с.
- 29.Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари. -Т.: Iqtisod- moliya, 2007. -245 б.
- 30.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 31.Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. – М.:Фонд «Правовая культура, 1995.-240с
- 32.Налоги и налогообложение: учебник пособие. В.Ф.Тарасова, Т.В.Савченко, Л.Н. Семыкина. -2-е изд., испр. и доп. – М.: КНОРУС, 2005,-288с
- 33.Налоги и налогообложение: Учебник. Д.Г. Черник и др. -2-е изд., доп. и прераб.-М.: ИНФРА –М, 2004.-328с
- 34.Оптимизация и минимизация налогообложения: Практ. руков. (Ред. Белоусова С.В.). – М.: Вершина, 2006.-128с.
- 35.Орлова Е.Р. Иностранные инвестиции в России: учебное пособие / Е.Р. Орлова, О.М. Зарянкина. - 2–е изд., испр. и доп. - М.: Издательство «Омега», 2009. - 203 с
- 36.Оспанов М.Г. Налоговая реформа и гармонизация налоговых отношений. С.-П.-Госуд.университет экономики и финансов, 1997
- 37.Хазанович Э.С. Инвестиционная стратегия: учебное пособие / Э.С. Хазанович, А.М. Ажлуни, А.В. Моисеев. - М.: КНОРУС, 2010. - 304 с.

38. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011. -301 б.
39. Қосимова Г. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия. 2007. 148 б.
40. Қосимова Г.А. Давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизими. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2008. 372 бет.
41. Хайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик, муносабатларини такомиллаштириш масалалари // и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т.: Академия, 2003. - 29 б.
42. Хайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштириш. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2010. 258 б.
43. Хусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008
44. Черновец С. Финансы, денежное обращение и кредит. Учебное пособие. – М.: Магистр, 2010.
45. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. 280 б.
46. Эргашева Ш, Узоқов А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т.: Iqtisod-moliya, 2008. -208 б.
47. Қоралиев М., Омонов А. Пул, кредит ва банклар. – Т.: 2012.
48. Қоралиев М. Банк иши. – Т.: 2010.
49. Қоралиев М. Чет мамлакатларда банк иши. – Т.: Ношир, 2012
50. Интернет сайтлари:
- http: //www.minfin.ru
- http: //www.mf.uz
- http: //www.budget.ru
- http: //www.df.ru
- http: //www.nalog.ru
- http: //www.finansy.ru
- http: //www.finance.rambler.ru